


# А Ж Р И М

2025 йил 3 ноябрь куни

Беруний тумани.

Жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди, “Навоий” МФЙ биносида очик сайёр суд мажлисида, шу суд раиси Р.Н.Камалованинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Норбаеванинг котибалигида, Беруний туман прокурори ёрдамчиси Д.Исмаилова, айбланувчи М.М.Снинг химоячиси “ADVOKAT SEYTKAMALOV” адвокатлик бюроси адвокати А.А.Сайткамалов, жабрланувчи М.Е.К, айбланувчи М.М.Снинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисми билан айбланувчи М.М.Сга оид 1-2303-2501/137-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.



Суд, прокурорнинг ва адвокатнинг фикрини, айбланувчи, жабрланувчининг сўзларини эшитиб, иш материаллари билан таққослаб, текшириб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

Айбланувчи М.М.С, 2025 йил 27 август куни соат тахминан 19:00 да Беруний тумани “Навоий” МФЙ ҳудудидан ўтувчи Беруний кўчаси бўйлаб ўтган асфальт йўлида ўзининг бошқарувидаги давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган Кобальт русумли автомашинани шарқ томондан ғарб томонга қараб бошқариб келаётиб, ҳаракатланиш давомида, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрель кунги 172-сонли қарори билан тасдиқланиб, 2022 йил 01 май кунидан кучга кирган Йўл-ҳаракати қоидаларининг 11-банди, г-кичик бандида кўрсатилган “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши лозимлиги” тўғрисидаги қоидага амал қилмай, мазкур асфальт йўлни шимол томондан жануб томонга пиёда кесиб ўтаётган 01.09.1962 йилда туғилган фуқаро К М Ега нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлмасдан, ушбу қоидаларнинг 77-бандида кўрсатилган “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасининг тезлигини белгилангандан оширмасдан



бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриш кераклиги” тўғрисидаги қоидаларни ҳамда 135-бандида кўрсатилган “Кўзи қамашган ҳайдовчи авария ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасан тезликни камайтириши ва тўхташи кераклиги” тўғрисидаги қоидаларни қўпол равишда бузиб, кўзларини қуёш нурлари қамаштирган бўлсада автомашинани тўхтатиш чораларини кўрмасдан ҳаракатланишни давом этириб, автомашинанинг олди қисми билан фуқаро М.Е.Кни уриб юбориб йўл транспорт ходисасини содир қилган.

Тайинланган суд-тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 26 сентябрь кунги 1179-сонли хулосасига кўра, К М Енинг баданидаги тан-жароҳатлари (чап сон суяги бўйнидан ёпиқ синиши, чап катта болдир суяги юқори учларидан ёпиқ синиши, чап умров суяги медиал қисмидан ёпиқ синиши, чап қош усти соҳаси ва чап елка билан соҳаси қуплаган шилиниб йиртилган яралари, курак қафаси чап ён соҳаси қонталаш) ОҒИР тан-жароҳати етказилгани аниқланган.

**Айбланувчи М.М.С транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида баданга оғир шикаст етказишдан иборат бўлган жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.**

Судда, айбланувчи М.М.С, 2025 йил 27 август кун соат тахминан 19:00 да Беруний тумани “Навоий” МФЙ ҳудудидан ўтувчи Беруний кўчаси бўйлаб ўтган асфальт йўлида ўзининг бошқарувидаги давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган Кобальт русумли автомашинани шарқ томондан ғарб томонга қараб бошқариб келатганида кўзини қуёш нурлари қамаштирганлигини, шу пайт автомашинанинг олди қисми билан пиёда М.Е.Кни уриб юбориб юборганлигини, дархол унга ёрдам берганлигини, ҳозирда жабрланувчи М.Е.Кга етказилган барча зарарларни қоплаб бериб ярашганлигини, кечирим сўраганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ишни ярашув билан тугатишни айтиб кўрсатма берди ва бу ҳақда судга ариза тақдим қилди.

Судда жабрланувчи М.Е.К, 2025 йил 27 август кун соат тахминан 19:00 да Беруний тумани “Навоий” МФЙ ҳудудидан ўтувчи Беруний кўчаси бўйлаб ўтган асфальт йўлидан ўтиб кетаётганида М.М.С Кобальт русумли автомашинаси билан уни уриб юборганлигини, натижада оғир тан жароҳати олганлигини, ҳозирда М.М.С етказилган барча зарарларни қоплаб бериб, кечирим сўраганлигини, шунинг учун унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ишни ярашув билан тугатишни айтиб кўрсатма берди ва бу ҳақда судга ариза тақдим қилди.

**Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясининг 20-моддасида, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир.**



Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади,- деб белгиланган.

Суд, жабрланувчи ва айбланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Беруний туман прокурори ёрдамчиси Д.Исмаилова, адвокат А.А.Сейткамаловнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, айбланувчи М.М.Снинг айбига тўлиқ иқрорлигини, етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув айбланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, айбланувчи М.М.Сга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

Шу билан бирга суд, жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни;

Айбланувчи М.М.Снинг муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

Ашёвий далил сифатида олинган 1 дона диск жиноят иши билан бирга кўшиб сақлашни, айбланувчи М.М.Сга тегишли бўлган АГ 1109557 сонли хайдовчилик гувоҳномаси ажрим қонуний кучга қиргач айбланувчи М.М.Сга тегишли тартибда қайтариб беришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисми билан айбланувчи С М Мга оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисмига мувофиқ тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.



Айбланувчи М.М.Снинг муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида олинган 1 дона диск жинойт иши билан бирга қўшиб сақлансин.

Айбланувчи М.М.Сга тегишли бўлган АГ 1109557 сонли хайдовчилик гувоҳномаси ажрим қонуний кучга қиргач айбланувчи М.М.Сга тегишли тартибда қайтариб берилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, айбланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судининг апелляция инстанциясига, ажрим қонуний кучга қиргандан сўнг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига хусусий тартибда шикоят бериши, прокурор хусусий тартибда протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи :

Р.Н.Камалова

